

ISO/TS 16949 СТАНДАРТИ. АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ УЧУН СИФАТ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИ

Тешабоев А.Э - Андижон машинасозлик институти ректори, т.ф.н., доц.,
Парпиев О.А.-т.ф.н., Мирзалимов У.А., Бойкишиева Д.

Андижон машинасозлик институтида машинасозлик корхоналари учун, замонавий ишлаб чиқариш талабларига мос, сифатли кадрлар тайёрлаш мақсадида уларда сифат менежменти тизимининг ишлаш тамойиллари ва юзага келадиган муаммоларни ўрганиб бориш мақсадида бир қатор изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, машинасозлик корхоналарининг ISO/TS 16949 стандарти бўйича сертификатлашга ўтиш, стандарт талабларининг амалга оширилиши, нафақат тегишли сертификатни олиш, балким ишлаб чиқарилаётган яроқсиз маҳсулотлар сонини қисқартириш, ресурс ва вақт сарфини камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини орттириш истиқболлари таҳлил қилинмоқда. Маълумки, ISO/TS 16949 стандарти талабларини татбиқ этиш жараёни, давомийлиги деярли етти ойгача бўлган, тўртта асосий босқичдан иборат бўлади. Бу ҳолда, ташкилот ходимлари учун ўқитиш семинарлари ва тренингларни ўтказиш кўзда тутилади. Корхонанинг сертификатлаш жараёнидан муваффақиятли ўтиши муҳим саналади. Шунинг учун корхона сертификатга эга бўлгунича, сертификация аудити натижалари бўйича тегишли тузатишларни киритиш тадбирларини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш зарур. Шу мақсадда маақола доирасида, мазкур корхоналарда ISO/TS 16949 стандартини татбиқ этиш босқичлар таҳлили баён қилинади.

Биринчи босқич **Таҳлил** босқичи деб аталади ва мавжуд тизим ҳолатини объектив баҳолаш, мавжуд ҳужжатлаштиришлар таҳлили ва ISO/TS 16949 ни татбиқ этиш тадбирлари режасини ишлаб чиқишни ўз

ичига қамраб олади. Ходимларни ISO/TS 16949 стандарти талабларига ўргатиш, талабларга биноан ҳужжатларни ишлаб чиқиш, сифат бўйича йўриқномани ишлаб чиқиш, сифат менежменти тизими жараёнлари сермахсуллигини баҳолаш мезонларини аниқлаш, иккинчи, **Ҳужжатлаштириш** босқичини ташкил этади.

Мониторинг ва татбиқ этиш босқичи таркибига кўп буйруқли вазифаларни шакллантириш, ISO/TS 16949 стандарти талабларини бажариш бўйича ходимлар учун мўлжалланган тренинглар, сифат менежмент тизими жараёнларини шакллантириш ва уни корхона фаолиятига татбиқ этиш, сифат менежмент тизими жараёнлари самарадорлиги ва сермахсуллигининг мониторинги киради.

- “APQP-келажак маҳсулотлари сифатини режалаштириш ва сифат дастури”;
- “FMEA-юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар тури ва оқибатлари таҳлили”;
- “SPC-жараёнларни статик бошқариш”;
- “MSA-ўлчаш тизими таҳлили”

ходимларни ISO/TS 16949 стандарти талабларига ўргатиш бўйича ташкил этиши режалаштирилган тренинглар бўлиши мумкин.

Аудит сертификатлаш жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этиш тўртинчи босқич бўлиб у ўз таркибида қуйидагиларни мужассам қилади:

- сифат менежмент тизими ички аудитини ўтказиш бўйича семинар;
- ички аудиторлар учун тренинглар;
- ISO/TS 16949 стандарти талаблари доирасида ички аудитларни ўтказиш (бунга менежмент тизими, технологик жараёнлар, маҳсулот ичик аудитлари киради);
- раҳбарият томонидан сифат менежмент тизими таҳлилини ўтказиш;

- сифат менежмент тизимини баҳолаш бўйича киритилиши режалаштирилган тузатишлар тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;
- ISO/TS 16949 стандарти талабларига мос сертификатлаш жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этиш;
- сертификация аудити натижалари бўйича киритилиши режалаштирилган тузатишлар тадбирларини ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш;
- ISO/TS 16949 стандарти бўйича сертификатлашдан муваффақиятли ўтиш.

Ўзбекистонда автомобилсозлик соҳасининг тезкор риволаниши, асосан, қўшма корхоналарни ишга туширилиши ва улар фаолиятининг кенгайиши ҳисобига рўй бермоқда. Бундай корхоналар сони кундан-кунга ортиб бормоқда ва уларда мамлакатимизнинг иқтидорли ёшлари фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Маҳсулот ва ишлаб чиқаришнинг ўзига бўлган талаблар автогигантлар учун “оддий” бўлган талаблар ҳисобланади. Бу талаблар, асосан, уларнинг автомобиль ишлаб чиқаришга бўлган ички корпоратив сифат стандарти ва халқаро стандартларга мослигида акс этади. Автомобиль ишлаб чиқарувчилар фаолиятини халқаро стандартларга мос бўлиши кераклиги, ўз навбатида, уларнинг бутловчи қисм етказиб берувчиларига ҳам бир қатор талабларни қўяди.

ISO/TS 16949:2009 стандарти талаблари ва унинг қўшимча йўриқномаларини татбиқ этиш мана шундай муаммолардан ҳисобланди. Қўшимча йўриқномалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- “APQP-келажак маҳсулотлари сифатини режалаштириш ва сифат дастури”;
- “FMEA-юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар тури ва оқибатлари таҳлили”;
- “SPC-жараёнларни статик бошқариш”;
- “MSA-ўлчаш тизими таҳлили”

- “PPAP-қисмлар ишлаб чиқариш жараёнларини келишиши”

ISO/TS 16949:2009 стандарти, гарчи, ISO 9001:2008 стандартининг мантиқий давоми ҳисобланса-да, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун, бир қатор назарий тайёргарликларни талаб этувчи, айрим масалаларни ўз ичига қамраб олган. Олий таълим муассасаларида, етарли даражадаги, сифат бошқаруви бўйича базавий таълим берилишига қарамай, улар автомобилсозликнинг мазкур масалаларига ўзларининг диққат-эътиборларини қаратмайдилар. Шунинг учун ҳам қуйида кўзда тутилган семинарларни ўтказиш орқали ISO/TS 16949:2009 стандарти ҳамда APQP-келажак маҳсулотлари сифатини режалаштириш ва сифат дастури, FMEA-юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар тури ва оқибатлари таҳлили, SPC-жараёнларни статик бошқариш, MSA-ўлчаш тизими таҳлили, PPAP-қисмлар ишлаб чиқариш жараёнларини келишиши қўшимча йўриқномаларининг талабларини ўрганиб чиқиш ўрганиб чиқиш мумкин:

- TS-01. “ISO/TS 16949:2009 стандартининг автомобиль саноати корхоналари сифат менежмент тизимига бўлган талаблари”;
- TS-02. Автомобилсозлик корхоналари ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва сифат менежменти тизими ички аудити”;
- TS-03. “ISO/TS 16949:2009 стандартининг автомобиль саноати корхоналари сифат менежмент тизимига бўлган талаблари. Автомобилсозлик корхоналари ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва сифат менежменти тизими ички аудити”;
- TS-04. “ISO/TS 16949:2009 стандартининг автомобиль саноати корхоналари сифат менежмент тизимига бўлган талаблари. APQP, FMEA, SPC, MSA ва PPAP қўшимча йўриқномаларининг шарҳи”;
- TS-05. “APQP-келажак маҳсулотлари сифатини режалаштириш ва сифат дастури”;
- TS-06. “FMEA-юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар тури ва оқибатлари таҳлили”;

- TS-07. “SPC-жараёнларни статик бошқариш”;
- TS-08. “MSA-ўлчаш тизими таҳлили”;
- TS-09. “PPAP-қисмлар ишлаб чиқариш жараёнларини келишиши”;
- TS-10. FMEA-юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар тури ва оқибатлари таҳлили, SPC-жараёнларни статик бошқариш ва MSA-ўлчаш тизими таҳлили услубиятларини амалий қўллаш;
- TS-11. “Автомобилсозлик корхоналарида махсус тавсифларни идентификациялаш услубияти”;
- TS-12. “Бутловчи қисмларни етказиб берувчилар томонидан ISO/TS 16949 талаблари шароитларида баҳолаш, танлаш ва бошқариш”;
- TS-13. “8 D услубияти бўйича муаммолар ечимини олиш”;
- TS-14. “Автомобилсозлик корхоналарида ISO/TS 16949 стандарти талабларини инobatга олган ҳолда жараёнли ёндошувни амалга ошириш”;
- TS-15. QFD сифат функцияларини ёйиш”.

Маъруза материалларининг ўзлаштирилишини енгиллаштириш учун семинар материалларини амалий ва тест топшириқлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Кейинчалик амалий ва тест топшириқлари таҳлилинини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиши керак. Бу ҳолда йўл қўйилган камчиликлар ва тушунарсиз материаллар аниқлаб олинади. Ўқитиш даврида тингловчилар билан жонли мулоқот ўрнатилишига катта эътибор қаратиш керак бўлади, чунки фақат жонли мулоқот қўйилган масала ечимини тўлақонли ҳосил қилиш имконини яратади, Тингловчилар билан жонли мулоқот ҳар бир амалий ишдан кейин ўтказилади, барча тест топшириқлари муҳокама қилинади, Белгиланган ўқиш даври охирида тингловчилардан якуний тест олинади ва бу уларнинг материалларни қай даражада ўзлаштирганлик савиясини аниқлаб беради.